

Бошдан айлангириб садақа қилиш



06:10 / 21.09.2018 5598

Ассалому алайкум! Ҳурматли устозлар, бир масалада ойдинлик киритиб беришингизни истардим. Қайнотам ҳар жума куни набиралари боши қўл оёқларида пулни айлангириб сенга келган бало қазолар касалликлар мана шу пулга урсин деб сўнг у пулни масжид қутисига ташлайдилар. Мана шундай қилса бўладими буни ҳукми ҳудди тумор таққаннинг ҳукмидай бўлиб қолмайдими яни фарзандларимизни мана шу эҳсон қилинаётган пуллар сақлаяпти деган мано бўлмайдими?

"Зикр аҳлидан сўранг" ҳайъати:

Ваалайкум ассалом! Расулulloҳ соллalloҳу алайҳи васалламнинг "[Садақа](#) балони қайтаради ва умрни зиёда қилади" деган ҳадислари бор. Садақа қилиш динимизда тарғиб қилинган, аммо ўша айлангириш нотўғри. Масжид қутисига солиш ҳам тўғри иш эмас. Масжид қутисига масжид учун

ишатилин деб ҳадя берилади. Ўша берган пули масжиднинг қайсидир бир жойига ишлатилса берувчи номидан садақи [жория](#) бўлиб, тўхтамасдан савоби ёзилиб турилади. Бунинг учун худди [намоз](#) ва рўза тутилганидек ниятни холис ва гўзал қилиб, риё-сумъадан эҳтиёт қилиб [адо](#) қилиш керак. Тушдан қўрққан, ердан топиб олинган ва шу каби садақотларни масжидга ишлатилмайди, балки фақир-мискинларга берилади. Валлоҳу аълам!